

Тупроқдан яралиб, яна тупроққа қайтасан



08:00 / 01.12.2019 1581

Сафвон ибн Амрдан ривоят қилинади: «Язид ибн Ҳусайн Сукуний Ҳимс шаҳрига волий бўлганда Язид ибн Майсарага шундай мактуб йўллади: «Эй Абу Юсуф, бу султондан бошимизга етган балолар ҳақида нима дейсиз?». Язид ибн Майсара шундай жавоб ёзди: «Эй амир, Аллоҳга тақво қил. Шошқалоқликдан сақлан. Салтанат соҳибига нима дейилишини биласанми? Эй султон, сенга шайтон руҳи пуфланмайди. Сен тупроқдан яралиб, яна тупроққа қайтасан. Бугун олдингиларнинг ўрнига қолдинг, эртага сенинг ўрнингга бошқалар келади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан